

# O'zbekiston adabiyoti va san'ati



ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqq boshlagan • 2001-yil, 9-noyabr • N46-47 (3632)

## ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУҒЛАГАН КИТОБ



**Президент Ислам Каримовнинг "Авесто" китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи**

Ассалому алайкум, кадрли ватандошлар! Мухтарам меҳмонлар!  
Авалло, кўхна Хоразм диёрида, дунё маданиятининг ноёб дурдонаси бўлиши "Авесто" китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимида сиз, азизлар билан кўришиб турганимдан гоят мамнун эканимни изҳор этишга ижозат бергайсизлар.

Узининг бой ўтмиши, бетакрор маданияти, ўлмас қадриятлари, мезморий обидалари билан бутун оламда шухрат қозонган Хоразм замини кўплаб буюк воқеалар, қутлуғ байрам ва шодиёналарнинг гувоҳи бўлган.

Бугун биз барчамиз иштирок этаётган ушбу тантанали маросим ҳам қадимий Хоразм тарихи, Ватанимиз тарихи шонли саҳифаларга нечоғли бой эканидан яна бир бор далолат беради.

Хурматли дўстлар!  
"Авесто", яъни "Хаёт йўриқномаси" деб аталган бу муаззам китоб хусусида сўз юритар эканмиз, аввало, унинг тарихи, бу мўлтоз асарнинг аҳамияти, нима учун биз унга бу қадар катта эътибор бераётганимиз ҳақида тўхталиб ўтиш зарур, деб ўйлайман.

Авалло, қадим-қадимда, яъни бундан 30 аср муқаддам мана шу мўътабар заминда яшаган аждодларимизнинг ақл-заковати ва қалб кўри билан яратилган, ўн икки минг тегрига тилла суви билан битилган бу ноёб тарихий ёдгорликнинг замон тўфонларидан, қанча-қанча оғир синовлардан ўтиб, бизнинг давримизгача етиб келганининг ўзида катта маъно муҳассам.

Ушбу нодир китоб айна замонда бу қадим ўлкада, бугун биз яшай турган тупроқда буюк давлат, буюк маданият, буюк маънавият бўлганидан гувоҳчи беради. Асл раҳматини асраб, асрлар давомида авлод-аждодларимиз учун маънавий-руҳий таянч, чексиз куч-қувват манбаи бўлиб келган.

Шунинг учун ҳам, юнон босқини бўладими, араб истилоси бўладими — бу юртга қимки қилич кўтариб келмасин, биринчи галда мана шу нодир китобни йўқ қилишга, шу йўл билан халқни ўз тарихи ва хотирасидан жудо этиб, унинг иродасини синдиришга урингани бежиз эмас.

Бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский ўттиз икки китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нусхасини Юнонистонга юбориб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчиртириб олгани, қолган қисмларини эса ёндириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

Айтиш мумкинки, шу тариқа "Авесто" да баён этилган илмий ва ҳаётий тушунча-тасавурлар нафақат Марказий Осиё ва Юнонистон, балки бутун Фарб илму фани ва фалсафаси ривожига салмоқли хисса бўлиб қўшилган.

Шу маънода, бугунги маросим, бугунги тантана фақат Ўзбекистон халқининг эмас, баъшарият мулкига айланмиш кетган "Авесто" китобини минг йиллар давомида асраб-авайлаб, ўқиб-ўрганиб, унинг олижаноб гоёларига амал қилиб, уларни тарғиб ташвиқ этиб келаётган барча халқларнинг ҳам байрамидир, десак, асло муболага бўлмайд.

Мухтарам дўстлар!  
Бу дунёда одам зоти бор экан, ҳеч шубҳасиз, у ўз аждодларининг олис кечмиши, турмуш тарзи, урф-одатлари, уларнинг қандай хис-туйғулар билан яшаганига қизиқиши, бу ҳақда тасаввурга эга бўлишга интилиши табиий, албатта.

Шу нуктаи назардан қараганда, биз "Авесто" китобини бугунги кун учун ҳам ниҳоятда қимматли бўлган ана шундай нодир маълумотлар манбаи, деб тўла ишонч билан айта оламиз.

Айниқса, бу китоб аждодларимизнинг табиатга, еру сувга, қуёш ва ҳавога бўлган илоҳий муносабатини, ота-она ва фарзандларга меҳр-оқибатини, уларнинг муқаддас тушунчаларини, ўз эрини қимлардан, қандай ҳавф хатарлардан ҳимоя қилиб, жамоа бўлиб яшаганини — барча-барчасини мукаммал ёритиб бергани билан қимматлидир.

"Авесто" билан яқиндан танишар эканмиз, яна бир қарра шунга иқрор бўламизки, бу мангу китобда ифода этилган буюк гоёлар, фалсафий ҳикматлар ўзининг ҳаётий мазмуни билан бизни бугун ҳам хайратда қолдиради.

Бу ҳақда гапирганда, мен, аввало, "Авесто"нинг туб маъно-моҳиятини белгилаб берадиган "Эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал" деган тамойилда хозирги замон учун ҳам беҳад ибратли бўлган сабоқлар борлигини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Мухтасар қилиб айтганда, агар инсоннинг мақсади, фикри эзгу бўлса, сўзи самимий ва ҳаққоний бўлса, ҳаракат ва интилишлари изчил ва қатъий бўлса, ҳар бир ишининг натижаси хайрли бўлиши муқаррар, дея талқин қилинади "Авесто"да.

Ҳақиқатан ҳам, бу чуқур маъноли, ҳаётий сўзларнинг мазмунига яна ва яна бир бор эътибор берсак, аждодларимизнинг минг йиллар олдин айтган мана шундай ўғитлари бугунги кунда ҳам нақадар долзарб ва таъсирчан эканини яққол англаш мумкин.

"Авесто" китобида муҳассам топанган гоё ва фикрлар ҳақида гапирар эканмиз, уларнинг нақадар чуқур мазмунга эгалиги ва ўзининг абадийлиги билан, бу асарда, аввало, табиатга муносабат, табиатга ҳурмат туйғуси, борлик оламнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, табиат ва инсон уйғунлиги, атроф-муҳитни сақлаш ва асраш одамзотнинг энг асосий вазифаси экани тасвирлаб ва исботлаб берилгани билан бугунги кунда ҳам ҳар қандай одамни хайратда қолдиради.

Шундай олис даврларда ҳам аждодларимиз ўз яқинлари, оиласига меҳрибонлик кўрсатиб, бир-бирига елкадош бўлиб, бошига тушган синов ва ҳаёт бўронларини бир-галликда енгиш каби фазилатларни улуғлаб, уларга амал қилиб яшаганидан таъсирланади киши.

Хурматли ватандошлар!  
"Авесто"дай мўлтоз асарининг айнан Хоразмда, бизлар бугун тўланиб турган мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуктаи назардан ҳам, маънавий нуктаи назардан ҳам, ҳаётий нуктаи назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаки, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, халқимиз ноёб деб биладиган, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда анъаналарга айланмиш қолган, авлоддан авлодга

Давоми 2-бетда

**Ким безавол бу Зиёга —  
Офтобга тоат қилса,  
Учқур бўлур тулпорлари  
Зулмат билан курашганда.**  
"Авесто", "Қуёш қасидаси"дан

то" дан сабоқ олади. Уни эъзозлайди, талқин ва тадқиқ этади, эзгу ишларига ҳамроҳ санайди.

"Авесто" китобининг 2700 йиллиги эса ўз танлаган йўли, келажиги, куч-қудрати ва адолатига ишонган халқнинг, миллатнинг тўйи бўлди.

Давоми 2-бетда

### «МУНАҚҚИД ИЖОДКОР БЎЛСА...»

**Озод Шарафиддинов. «Адабий танқид ва янги тафаккур».**  
«УАС», 2001 йил, 19 октябр сони

Газетонларнинг теран ва ҳолис адабий-танқидий фикр-мулоҳазаларга эҳтиёжини ҳисобга олиб очилган янги «Юзма-юз» рухли адабий жараён ҳақида объектив ҳисоллар, маънавий-руҳий воқелигимизга доир турли муаммолар тўғрисидаги жонли мулоқотлар минбарига айланди, деб ишонамиз. Шу маънода севимли газетамизнинг бу тадбирини қўллаб-қувватлаймиз. Янги руҳи атоқли олим, адабиётимизнинг чинакам жонкуври Озод Шарафиддинов сўзбати билан бошланган ҳам гапета мундарижасини бойитган, маъмур рунда бундан кейин бериб бориладиган адабий мулоқотлар салмоғи қандай бўлиши долзарблигига ҳам аниқ ишора қилган, деб ўйлаймиз.

Олимлар ҳам «Адабий танқид ва янги тафаккур» сарлавхали сўзбатда асосли кўрсатилган. Назаримизда, умуман, танқидчиликка юзакчи нафақат айна шу усулнинг ўзи билангина эмас, балки сўзбатда тўғри таъкидлангандек, умумий савиянинг пастиги, баъдий-эстетик билимнинг савлиги ҳам танқидчиликка қусурларга сабаб бўлаётди. Айна шу сабаблар билан, мунаққидларнинг социологик таъқиқот усулининг бор инқирозларидан ҳам тўла фойдалана олмаётганлар. Гап фақат муайян таъқиқ-таҳлил методи, шаклида эмас, айна пайта ушбу усулнинг бор елкама қўлланди ҳам. Баъдий асар таҳлилнинг кўлаб шакл ва усуллари қатори социологик таъқиқот ҳам ҳозирки алабёншуносликка кенг қўлланиб келинаётди. Хусусан, фарблик машҳур таъқиқотчи Эрик Фромнинг ёки эзувчи Ж.П.Сартрнинг адабий танқидий мақолаларида баъдий асарлар таҳлилда айна шу метод етакчилик қилади. Бу ўринда уларнинг Ф.Кафка ва А.Камю романларига бағишланган мақолаларини эслаб ўтиш жоиз. Уларни мутулаа қилганда, «социологик таҳлил оқсои эмаслигини, бу метод имкониятлари асар муаллифини «қимматли маълумотлар бериш» билангина чекламаслигига амин бўламиз.

Худисалардан бири бўлмоғи керак», дейди Озод Шарафиддинов. Бу теран фалсафий фикр замирида янги давр адабиётининг бош масаласи аниқ қилиб қўйилган.

Бироқ бу айрим ҳолларда замонавий қаҳрамон сиймосини яратиш масаласи билан «ижобий қаҳрамон» тушунчасини бироз аралаштириб юзасанга қўйилган. Бугунги куннинг қаҳрамони сиймосини яратиш «ижобий қаҳрамон» қидириш, топиш ва унинг образини яратилган фарқ қилади. Ижодкор шекоғи ва фикрдорлиги билан чинакам қаҳрамонлик мўжизасини кўрсатаётган замонавий сиймосини, сўзбатда таъкидлангандек, фалсафий планда мукаммал ишлаб чиқилган инсон концепцияси асосида яратса, бундан нафақат адабиёт, китобхонлар ҳам ютган бўларди. Зотан, бугун кўпчиликка ибрат бўладиган баъдий қаҳрамон образига маънавий эҳтиёж катта.

Устоз мунаққидимизнинг долзарб чиқишлари билан таъриқлаб, барча танқидчилар учун асосий мезон ҳисобланувчи қуйидаги фикрларини яна бир бор такрорлашни ўринли деб ўйлаймиз: «Мунаққид ижодкор бўлса, унинг ўзининг бетакрор услуби бўлмоғи керак».

**Хамид АБСАМИЕВ,  
Самарқанд Давлат  
университети доценти**

«Адабиётнинг асосий предмети инсон. Бу жиҳатдан адабиёт дунёдаги энг демократик

Билдириш  
Шу йилнинг 15 ноябр кўни соат 11<sup>00</sup>да Ўзбекистон Езувчилар уюшмасида танқидий шoir, таржимон Жонибек Қувноқ таваллудининг 60 йиллигига бағишланган хотира кечаси бўлади.

Барча қизиққанлар таъқиқ этилади.  
Манзил: Тошкент, Жаваҳарлаъл Неру кўчаси, 1-уй.

### ФАРЗАНДЛИК БУРЧИ

Оламнинг барча қувончу ташвишлари, эзулик ва жаҳолат кураши шoir ва ёзувчиларнинг ораги, кўнгли кечинмалари орқали ўтади. Шу билан айтадиларки, эл қудса шoir кулади, эл вилгаса шoir вилгалади. Шу маънода бугун дунёда келадиган воқеалар, ҳалқаро терроризмининг қабҳ қилмишлари шoirларимизнинг ҳам қалбини ларзага солаётди.

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети маланият саройида ижодкорларнинг талаба ёшлар билан бўлган учрашуви ҳам шу мавзуга бағишланди. «Бу ёғур оламда Ватан биттадир» мавзудаги аксиртеррор ҳаракатлари бағишланган учрашувни Миллий университет ректори Тўрабек Долломов очди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Езувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов она Ватанимизни, мустақиллигимизни ҳимоя қилиш, истиқлол нематларини кўз қорачиқдек асраш ҳар бир ўзбекининг, мустақил давлатимизни фукорларининг муқаддас бурчи эканлигини айтиб, бугунги жараёнда оғоҳлик ҳаммамизнинг ҳаёт тарзимизга айланиши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Қаҳрамони Эркин Воҳидов, халқ шoirлари Жуманиёв Жабборов, Ойдин Ҳожиева, Халима Худойбердиева, Омон Матқон, Усмон Азим, танқидий шoirлар Қўлиёқов, Амин Сулей, Миршўрат Мирзо, Қўчқор Норқобил, Рустам Мусурмон, Иқбол Мирзо талаба ёшларни тинчлик ва фарон ҳаётининг муқаддас бурчи эканлигини айтиб, Истиқлол, Ватан, она юртва садоқат, муҳаббат мавзудаги энг сара шoirларидан намуналар ўқидилар.

Анжуманини очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев драматурглар ва сахна усталари эътиборини давр рундан келиб чиқиб, миллий хусусиятларга эга бўлган замонавий қаҳрамон образларини тўлақонли гавдалантиришга қарати. Драматургия — адабиётдаги ютуқларни санъатга олиб ўтадиган ўзига хос кўприк. Зотан ибрат руҳи сингдирилган

Давоми 3-бетда

**Халқлар тинчлигига, жаҳон тараққиётига раҳна солаётган халқаро терроризмга Ўзбекистоннинг муносабати яқдил — у ер юзидан йўқ қилиб ташланиши керак. Бу боғида халқимизнинг фикри қатъий. Таҳририятимизга келадиган мактубларда республикамиз меҳнатқашлари ҳукуматимиз, Президентимиз тутган йўлни кенг қўллаб-қувватлаётганликлари баён этилган.**

—Терроризм янги ҳодиса эмас, — деб ёзда янгиерлик ўқитувчи **Зулфия ХУДОЁРОВА**. — АҚШ Президенти Жон Кеннеди, Мир Асрар Республикаси Президенти Анвар Садад, Швеция бош вазири Улоф Палма, Ҳиндистон бош вазири Индира Ганди ва Раҳим Ганди каби кўплаб машҳур давлат арбоблари террор кўриб бўлгани тарихдан маълум. Лекин вақт ўтиши билан терроризм жуда хавфли бўлиб бормоқда. Илгари улар ўз муҳолиқларининг янги йўлига ҳаракат қилишган бўлса, бугун ўз мақсадларига эришиш учун минглаб, зарур бўлса юз минглаб тинч аҳолини, беғуноҳ инсонларни қурбон қилишга тайёр. Шунинг учун ҳам террорчиларга бу дунёда ўрин бўлмаслиги керак.

### Муносабат

## ОГОҲЛИК ЭҲТИЁЖДИР

Самарқандлик иқтисодчи **Мамадин МУҲАММАДИЕВ** ўз мактубида терроризм келтириб келган иқтисодий зарарларни таҳлил қилади: «11 сентябр кўни АҚШнинг Нью Йорк ва Вашингтон шаҳарларида амалга оширилган ҳунрезликлар оқибатида қўрилган иқтисодий зарар миллиардлар доллар миқдоридан эканлиги баён этилди. Бу Жаҳон савдо маркази ва Пентагон биноси бузилиши тўғрисида эълон қилинган зиян, ҳоло. Уша қўрувчиликдан сўнг дунёдаги унлаб авиакомпаниялар рейсларни қамайтиришга мажбур бўлди. Натижада юз минглаб одамлар ўз иш ўринларидан ажраб қолишди. Сайёҳлик компания ва фирмалари қўрган зарарлар ҳам миллионлар доллар билан ўлчанмоқда. Дунёда ҳар йили терроризмга қарши кураш йўлида сарфланаётган ҳарajatларни ҳисобласангиз, эҳ-ёқ, қанча бўлишини тасаввур ҳам қилиш қийин.

Шундай ҳам дунёнинг нотинч. Ҳар йили қурғоқчилик, сув тоққини, тўфон, зилзила каби табиий офатлар минглаб одамларнинг ёстиғини қуритмоқда. Агар терроризмга қарши курашга кетаётган маблағни шу табиий офатларни олдини олишга сарфлаганимизда минглаб хонадонларга қувонч улашган бўларди».

Жиззахлик журналист **Худойберди КАРИМОВНИНГ** хати қўриқдаги фикрларини яна ҳам тўлдирди: «Биз Ладин ўзини мусурмон ҳисоблайди. Ҳатто мусурмонлар номидан айрим давлатларга пўпса ҳам қилаётди. Ҳолбуки муқаддас китобларда етим-есирларга, камбағалларга, очларга ёрдам бериш мусурмончиликнинг асосий белгиларидан бири эканлиги айтилади. Мана бир неча йилдирки Афғонистонда қурғоқчилик бўлмоқда. Одамлар оч-наҳор, камбағалликда кун кечираётди. Ўзини мусурмон деб ҳисоблаган Бин Ладин эса внда очликдан азоб чекаётган, бир бурдан ном тополмай ҳалок бўлаётганларни қўриб турса-да, уларга ёрдам бериш ўрнига миллионлар доллар маблағларини террорга, одамларни ўлдиршига, қўрқитишга сарфлаётди. Шундай одамни мусурмон дейиш мумкинми? Асло».

—Қишлоқда ҳамма бир-бирини танийди. Шунинг учун у ерда биронта бегона одам пайдо бўлса пайқаш осон, — деб ёзда пойтахтлик **Собир МИРЗАЕВ**. — Шаҳарда-чи? Айниқса, Тошкентдай шайри азимга ҳар кун юз минглаб меҳмонлар келиб-кетди. Албатта, уларнинг ҳаммасини қимилгани, қандай ниятда пойтахтга ташриф буурганини ички ишлар ходимлари била олмайди. Буни имкони йўқ. Шунинг учун маҳаллар оксоқоллари, посбонлари, фаоллари, қолаверса, барча аҳоли бу ишда милицияга ёрдам бериши лозим. Қўчада шубҳали одам кўринди, менга нима юрса-юрбди-да, демай ўз вақтида тегишли идораларга хабар берсак, нафақат бошқаларни, балки ўзимизни, оила-аъзоларимиз, бола-чақаларимизни ҳам турли баюлардан асраган бўламиз».

Ҳа, тинчлик, осойишталикка нима етсин. Фаровонлик фақат тинч ва осойишта меҳнат авазига келади. Шундай экан, Юртбошимиз давлат этаётганлик, тинч меҳнатини, фаровон ҳаётимизни муҳофаза этувчи хушёрлик ва огоҳлик ҳаётимиз тарзига айланисин.

**Беккул ЭГАМКУЛОВ  
тайёрлади**

### ДРАМАТУРГЛАР АНЖУМАНИДА

Бугун юртдошларимиз янги давр руҳига, илгор жараёнларга ҳамнафас бўлиб, истиқлолимизни мустаҳкамлашга муносиб хиссаларини қўшишмоқда. Уларни чин маънода замонавий қаҳрамон деб таъсирлаш ҳам, таърифлаш ҳам мумкин. Ижод аҳли эса шундай инсонлар образини яратиши иштиёқи билан банд.

1-3 ноябр кўнлари Ўзбек Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган «Драматургия ва замонавий қаҳрамон» мавзудаги семинар-кенгаш ҳам шу маънода бениҳоя аҳамиятлидир.

Анжуманини очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси ўринбосари Аҳмаджон Мелибоев драматурглар ва сахна усталари эътиборини давр рундан келиб чиқиб, миллий хусусиятларга эга бўлган замонавий қаҳрамон образларини тўлақонли гавдалантиришга қарати. Драматургия — адабиётдаги ютуқларни санъатга олиб ўтадиган ўзига хос кўприк. Зотан ибрат руҳи сингдирилган

Давоми 3-бетда

асар қаҳрамонларининг кечинмалари жонли ижрода янада жозибалироқ ва таъсирчанроқ бўлиши шубҳасиз.

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов кўплаб иқтидорли ёш драматурглар замонавий долзарб мавзуларда салмоқли асарлар ёзганини ва бу асарларда замонавий қаҳрамон қиёфасини очишга уриниш кучли эканини таъкидлади.

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси, Маданият ишлари вазирлиги, «Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирамаси ва Театр ижодкорлари уюшмаси ҳамкорлигида ташкил этилган анжуман иштирокчилари тўрт гуруҳга бўлинган ҳолда ижодий мулоқот олиб боришди. Гуруҳларга театрушнос олимлар Тоир Исмолов, Тешабой Бандиёнов, драматурглар Ҳайитмат Расул ва Ҳайдар Муҳаммадлар бошчилик қилишди.

Ҳаммиша ижод аҳлини ижодий муҳит бирамлаштириди. Шу маънода маъмур анжуман мамлакатимизнинг турли жойларида

Бизнинг миллатимиз, халқимиз кўхна Хоразм заминида «Авесто» пайдо бўлган замонлардан буён ўз ҳаёти, ўз маданияти, ўз тарихи билан яшаб келади.

Ислом КАРИМОВ

# ЭЗГУ ФИКР, ЭЗГУ СЎЗ ВА ЭЗГУ АМАЛНИ УЛУФЛАГАН КИТОБ

## Президент Ислом Каримовнинг "Авесто" китобининг 2700 йиллигига бағишлаб барпо этилган ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқи

### Боши 1-бетда

га мерос бўлиб келаётган, ҳозир ҳам турмушимизда ҳукм сураётган урф-одатларнинг маъно-мазмунига чуқур эътибор берсак, уларнинг "Авесто"да акс этган тушунча ва қадриятлар билан бениҳоя уйғунлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Бунинг тасдиғини кўпгина мисолларда кўришимиз мумкин. Хоразм воҳасининг мураккаб табиати, кишининг изғирини, ёзининг жазирама исиги, қаттиқ шомоллари, оғир тупроқ шароити барчамизга яхши маълум.

Мана шундай синовларга бардош бериб, шу заминнинг ҳар бир қаричини ўзига азиз билиб, шу юртни гуллайти-яшнаётган фидойи инсонларнинг меҳнатига қўйил қолади киши.

Ҳақиқатда ҳам, мана шундай шароитда нафақат мўл ҳосил этиштириб, балки деҳқончилик маданиятини ҳам юксак даражага кўтариб келаётган деҳқонларни ҳақиқий қаҳрамонлар десак, бундай баҳо ортиқча бўлмас.

Лекин мана шу тупроқда мураккаб табиий шароит қийинчиликларга чидаб, уларни енгиб яшайдиган инсонларга дунёнинг энг гўзал ўлкаларини мактаб, Хоразмин ташлаб, ўша жойларга бориб яшасани, деб сўраса, ишончим комилки, уларнинг барчаси хоразмча қилиб "йўқ, барийман", дейди.

Ва ҳеч қандай тарғибот-ташвиқот билан, алдов-сулдов билан уларни бу фикрдан қайтариб бўлмайди.

Мана сизларга ўз юртини севиш, ўз юртини ардоқлаш, ўз юртига садоқат билан яшаш.

Шунинг учун ҳам Хоразм аҳлининг юрак-юрагига сингиб кетган "Ёт элларнинг боғи билан боғчаси Хоразмининг янголчи кўринмас", деган халқ қўшиғи мана шу садоқат туйғусининг ҳақоний ифодаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Мухтарам юртдошлар! Агар биз Хоразмининг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик сингари ўлмас қадриятларнинг илдизи бевосита "Авесто" заминидан қувват олишини кўра-

миз.

Ахир, азиз дўстлар, ўзингиз айтинг, ёвга қарши мардона жанг қилиб, қўлида байроқ катта ишонч билан Наҳиддин Кубро шу юртнинг фарзанди эмасмиди?

Пахлавонлар пири деб шухрат қозонган, кураш майдонларида кураги асло ерга тегмаган Пахлавон Маҳмуд ҳам мана шу замин фарзанди эмасмиди?

Дунёнинг қарийб ярмини эгаллаган муҳим Чингизхон лашкарига қарши ўн бир йил давомида муттасил қаҳрамонларча курашган Жалолиддин Мангуберди шу замин ўғлини эмасмиди?

Биз Хоразм элининг мана шундай буюк сиймолари ҳақида гапирар эканмиз, ўзимизга бир савол беришимиз табиий. Жалолиддин Мангуберди жанг майдониди ёлғизми?

Агар у ёлғиз ботир бўлганида, душманга қарши кўксини қалқон қилиб қанча курашмасин, Чингизхондай дахшатли ёвни енгиши мумкинмиди?

Йўқ, у ёлғиз эмас эди, фақатгина минг-минглаб мангубердилар қаторида саркарда Жалолиддин бўлиб майдонга чиқishi мумкин эди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ботирларни шу ерда яшаётган одамларнинг ўз юртига оташин меҳри, буқилмас иродаси, мустаҳкам иймон-этиқоиди камол топтириши, бир сўз билан айтганда, бундай қаҳрамонларни фақат ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган халқ тарбиялаши, воёга етказиши мумкин.

Ва бундай халқни ҳеч ким, ҳеч қачон ўз танлаган йўлидан қайтара олмайди, бундай халқ ҳеч кимга бош эгмайди ва ўз буюк мақсадларига албатта етади. Бунга ҳеч кимда ҳеч қандай шубҳа бўлмаслиги керак.

Азиз ҳамюртлар! Бугун "Авесто" китобида мужассам этилган, бизга кутлуг мерос бўлиб келаётган мана шу ер, мана шу табиат хусусиятлари ва ҳосиятлари ҳақида сўз юртар эканмиз,

албатта, одамзот ҳаётининг узвий қисмини ташкил этадиган маданият ва санъат хусусида гапирмасдан ўтолмаймиз.

Ҳар қайси миллатнинг ўзига хос қиёфасини белгилайдиган, унинг бетакрор хусусиятларини ёрқин ифода этадиган маданият ва санъатда халқнинг тарихи ва ўлмас руҳи намоён бўлади.

Айнан шунинг учун ҳам замирида асрлар қаъридан келаётган "Авесто" оҳанглари мужассам бўлган Хоразм элининг санъати бутун дунёда шухрат қозонган.

Узоққа бормасдан, Хоразмининг машҳур "Лазги"сини олайлик.

Бу ҳаётбахш қўшиқни эшитган одам жойида тинч ўтиролмайди, албатта беихтиёр ўрнидан туриб ўйинга тушиб кетади.

Лекин "Лазги"ни бошқа бирон-бир киши Хоразмининг йигит-қизлари, ҳатто кекса чоллари, ёшулларига ўхшаб мана шундай маҳорат билан ижро қилиши мумкинми?

Ишонч билан айта оламизки, асло, йўқ. Сизлар бир-бирингизга "Лазги"га уйнаб баринг", деб бежиз айтмайсиз, чунки яхши биласизларки, уни ҳеч ким сизлардай ҳамани лол қолдириб, боғлаб ижро этолмайди.

Хурматли дўстлар! Бугун маънавий ҳаётимиздаги ушбу улғу санани узоқ-яқиндан келган азиз меҳмонлар иштирокида, халқро микёсда нишонлар эканмиз, биз тарихимизни, унинг ёрқин саҳифаси бўлмиш "Авесто"ни қандайдир кўз-кўз қилиш ниётидан йироқмиз.

Биз учун "Авесто" китоби нафақат қадимий тарихий ёдгорлик, нафақат миллатимизнинг ва унга хос бўлган қадриятлар ва маданиятнинг томири минг-минг йилларга бориб тақалишини тасдиқлайдиган тарихий ҳужжат сифатида қадридлир.

Бу бетакрор асарнинг биз учун аҳамияти — аввало унинг олис-олис даврларда ҳам халқимизнинг миллий хусусиятлари ва фазилатлари, умумбашарий қадриятлар билан доимо узвий боғланиб кетганини исботлайдиган ҳаётбахш манба бўлгани учун ҳам қимматлидир.

Бир сўз билан айтганда, биз бугун янги ҳаёт, янги жамият қуриш ва буюк келажақ сари интилиб яшаётган эканмиз, мана шундай манбалар ўзгичилигини англашда, буюк тарихимиздан маънавий озиқ олиб, ғурурифтихор билан яшашимизда, эртанги кунга катта ишонч билан қарашга мустаҳкам замин яратади, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди.

Бугун мен мана шу минбардан туриб, сизларнинг очiq чекрангизга қараб, кўнглимдаги бир гапни айтмоқчиман: биз мана шундай улғу фазилатларга эга бўлган халқнинг фарзандларини эканимиз учун Яратганга шукрона айтишимиз, ҳаётдан рози бўлиб, эзгу инсоний қадриятларни ўғил-қизларимизга етказишимиз, уларнинг биздан кўра кучли, ақлли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун интилишимиз, бунинг учун бор куч ва имкониятимизни сафарбар қилишимиз зарур.

Қадрли ватандошларим! Ушбу кутлуг санага бағишлаб барпо этилган мана шу кўркам ва бетакрор ёдгорлик мажмуи Хоразм элининг, бугун халқимизнинг "Авесто" сингари бетимсол тарихий обидаларни яратган буюк аждодларимизга бўлган хурмат-эҳтироми рамзидир.

Фурсатдан фойдаланиб, шу муваззам боғ ва ёдгорлик мажмуини барпо этган қурувчиларга, қўли гул усталаримизга, муҳандису меъморларга, бу хайрли ишда сидқидилдан иштирок этган барча инсонларга самимий раҳмат айтмаман.

Халқимизнинг жаҳон цивилизацияси, дунё илму фани ва маданияти ривожига қўшган бекиёс ҳиссасини доимо эътироф этиб келаётган, бугунги байрамни халқро микёсда ўтказишга қарор қилган ЮНЕСКО ташкилотига, авестошунос олимларга, ушбу тантананинг барча иштирокчиларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорчилик изҳор этаман.

Ва яна бир бор, мана шу майдонда тўпланиб турган сиз азизлар орқали барчамизни воёга етказган, барчамизга куч-қувват бераётган халқимизга чин қалбимдан таъзим қилмоқчиман.

### Бошини 1-бетдан изланг

Ва бу ҳақиқатни ана шу улғу тўйда иштирок этган жуда кўп дўстларимиз ҳам, хорижий мамлакатларнинг вакиллари ҳам эътироф этдилар.

Яна бир жиҳатни алоҳида қайд этиш зарур бўладики, Президентимиз "Авесто" ёдгорлик мажмуининг очилиш маросимидаги нутқида эътироф этганларидек, "Авесто"дай мумтоз асарнинг айнан Хоразмда, мана шу заминда дунёга келиши тарихий нуқта назардан ҳам, маънавий нуқта назардан ҳам, ҳаётий нуқта назардан қараганда ҳам табиийдир.

Негаци, бугунги ҳаётимизнинг барча қатламларига хос, халқимиз ноёб деб биладиган, ҳар қайси оила, ҳар қайси хонадонда анъанага айланиб қолган, авлоддан авлодга мерос бўлиб келаётган, ҳозир ҳам турмушимизда ҳукм сураётган урф-одатларнинг маъно-мазмунига чуқур эътибор берсак, уларнинг "Авесто"да акс этган тушунча ва қадриятлар билан бениҳоя уйғунлигининг гувоҳи бўлишимиз мумкин.

Дарҳақиқат, халқимизнинг турмуш тарзи-га "Авесто"да илгари сурилган зардуш эътиқодининг турфа манзаралари шу қадар чуқур сингиб кетганки, орадан ўттиз асра вақт ўтгани, диний эътиқодлар ўзгарганига қарамай улар ўзининг гўзал жиҳатларини ҳамон сақлаб келаётир. Бунинг далилларига биз ҳар қадамда дуч келишимиз мумкин. Утган йилнинг июлавгуст ойларида "Олтин мерос" халқро хайрия жамғармасининг Хоразм вилояти фаоллари қадимшунос, ўлкашунос, жуғроф ва этнограф олимлар иштирокида "Авесто" қадамжолари бўйлаб халқро илмий экспедиция уюштирилди. Илмий сафар чоғида ўрғанилган маълумотлар жаҳон қадимшунослари аниқлаган манбаларга қиёсан таҳлил этилганда шу нарса маълум бўлдики, ҳозиргача турли минтақаларда рўйхатга олинган олтиш та оташгоҳ-оловхоналарнинг 35 таси бизнинг мамлакатимиз ҳудудида экан. Унинг 17 таси эса Хоразм воҳасидир. Халқимизнинг турмуш тарзида ўт-олов билан боғлиқ ўн икки илмий удулар ва гўзал урф-одатлар сақланиб қолган. Қадим Хоразмининг ҳозирга қадар қад кўтариб турган кўхна қалъалари (уларнинг айримлари ўзига хос расадхоналар ҳам бўлган) "Авесто" яралган замонлардан бизгача етиб келган тарихий ёдгорликлардир. Бинобарин, "Авесто"нинг — улғу аждодларимиздан мерос бебаҳо маънавий ёдгорлигини ўз Ватанида тўй қилиниши биз учун улкан шарофидир.

"Авесто" инсон ҳаётининг, замину замон мажмуидининг ўзига хос қомусидир. Зотан, бу китоб давлатчилигимизнинг тамал тоши қўйилган даврларда яратилгани билан ҳам қадридлир. Дарҳақиқат, инсоний тафаккур хосиласи бўлмиш бундай қомусий мажмуа ўз-ўзидан дунёга келган эмас. Бундан уч минг йиллар муқаддам, Абу Райҳон Беруний ҳазратлари шохадат берганларидек, ўн икки минг қорамол терисига тилло суви ила ёзилган "Авесто" ўз даврининг маданий ёдгорлигига бўлиб қолмай, унгача бўлган ҳаёт ривожининг, башарият эришган маънавий тараққиётнинг ҳам инъикоси эди.

Бизнинг бугунги фахру ғуруримиз, ифтихоримиз ҳам шундаки, бу юксак тараққиётга ва унинг табиий сарчашмаси ҳисобланмиш инсоний эътиқод ва умуминсоний тафаккур гултоғига бизнинг аждодларимиз бевосита мансубдир. Бинобарин, "Авесто" улғу аждодларимиз, буюк бобоқалонларимизнинг жаҳон маданияти, маънавий тафаккур хазинасига қўшган буюк тўқасидир. Аждодларимизнинг жаҳон тамаддунига асрлар мобайнида қўшиб келган бундай тўқалари ёлғиз биргина бу китоб эмас. Улар қанчадан-қанча эканлиги бугун ҳаммага аён ва уни жаҳон кўп бора тан олиб, эътироф этиб келаётир. "Авесто" бундай маънавий нъаматларимиз ичида энг ёзозлисидир.

Шу боисдан ҳам турли даврларнинг бос-

қинчилари бу ноёб ёдгорлигимизни қўлга киритишга уриниб келдилар. Президентимиз нутқида айтиб ўтилганидек, бу қадимий ўлкаларга юриш қилган Александр Македонский ўттиз икки китобдан иборат бўлган ушбу улкан асарнинг асл нухасини Юнонистонга юбортириб, унинг тиббиёт, астрономия, фалсафага оид бобларини алоҳида кўчиртириб олгани, қолган қисмларини эса ёндириб ташлагани ҳам шундан далолат беради.

"Авесто" ўз замонидан кўп асрлар ўтмай турибқоз эзгулик ва ёвузлик курашини бошидан кечирганки, бу ҳам ундаги даъватлар бежиз эмаслигидан, нечоғли ҳаётий ва умуминсоний эканлигидан далолатдир. Ва яна унинг саҳифаларида "Ҳақиқат — олий шарофатдир", дея ўқтирилгани нечоғли улғу башоратки, ёвуз босқинчиларнинг шу қадар паствакликлари гаддорликларига қарамай "Авесто"миз бамисли ўтда қуймас самандар қушдек замонлар оша бизнинг кунларга қадар етиб келди. Бугун "Авесто"нинг ҳақиқий ворислари ўз Ватанида, овоз дёбирида шу улғу хикмат китоби тўйини бутун жаҳон афқор

обод этиб, фарзандларимиз қалбига, онги ва тафаккурига муқаддас туйғуларимизни сингдираётганимиз — буларнинг бари эзгу амалларимизнинг самараларидир. Шу янглиғ улғу ишлар билан жаҳон меҳвариди ўз қадди қамолимизни тиклаб олганимиз — бу улғу хикмат, буюк саодат китобида зикр этилган, улғуланган эзгуликнинг юз кўрсатиши эмасми? Эзгулик ва инсонпарварлик, адолат ва ҳақиқат йўлини тутган, Ватан туйғусини сарбаланд этган халқнинг бахт-иқболи намойиши эмасми?

Ва яна шуни ҳам унутмайлик: биз мамлакат овозлиги боис "Авесто"дай улғу аждодлар китоби тўйини ўтказганимиз бизнинг бугунги кунларимиз ҳақиқатининг бир намойиши бўлса, "Авесто"да зикр этилган эзгулик ва ёвузлик кураши бугун ҳам давом этаётган, жаҳон нотинч бўлиб турган лаҳзада улғу туйғуларимизни кечиктирмасдан аждодларимиз даҳосига таъзим баҳо айлаётганимизнинг ўзи ҳам озолик йўлидан бориб, ўз ҳақиқатига, ўз кучига, иймон-этиқоидига, танлаган йўлининг тўғрилигига ишонган халқнинг ва миллатнинг куч-қудрати ифодаси ҳамдир.

Бу куч-қудрат сарчашмалари эса халқимизнинг, элимизнинг бутун вужудида хамиша барҳаётдир. Бу борада ўйлаганда Президентимиз нутқидаги мана бу сўзлар анжуман ахли томонидан катта оқинлар билан кутиб олинганини айтмасдан бўлмайди:

"Агар биз Хоразмининг шонли ўтмишини кўздан кечирсак, ватанпарварлик ва юртга садоқат, ботирлик ва фидойилик сингари ўлмас қадриятларнинг илдизи бевосита "Авесто" заминидан қувват олишини кўра-

миз.

Ахир, азиз дўстлар, ўзингиз айтинг, ёвга қарши мардона жанг қилиб, қўлида байроқ билан жон берган Наҳиддин Кубро шу юртнинг фарзанди эмасмиди?

Пахлавонлар пири деб шухрат қозонган, кураш майдонларида кураги асло ерга тегмаган Пахлавон Маҳмуд ҳам мана шу замин фарзанди эмасмиди?

Дунёнинг қарийб ярмини эгаллаган муҳим Чингизхон лашкарига қарши ўн бир йил давомида муттасил қаҳрамонларча курашган Жалолиддин Мангуберди шу замин ўғлини эмасмиди?

Биз Хоразм элининг мана шундай буюк сиймолари ҳақида гапирар эканмиз, ўзимизга бир савол беришимиз табиий. Жалолиддин Мангуберди жанг майдониди ёлғизми?

Агар у ёлғиз ботир бўлганида, душманга қарши кўксини қалқон қилиб қанча курашмасин, Чингизхондай дахшатли ёвни енгиши мумкинмиди?

Йўқ, у ёлғиз эмас эди, фақатгина минг-минглаб мангубердилар қаторида саркарда Жалолиддин бўлиб майдонга тушиши мумкин эди.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ботирларни шу ерда яшаётган одамларнинг ўз юртига оташин меҳри, буқилмас иродаси, мустаҳкам иймон-этиқоиди камол топтириши, бир сўз билан айтганда, бундай қаҳрамонларни фақат ана шундай фазилатлар соҳиби бўлган халқ тарбиялаши, воёга етказиши мумкин.

Хаммининг юрагидаги ифтихор туйғуларини алангалатган бу сўзлар қайта-қайта оқинлар билан эътироф этиб турилганининг ўзи ҳам бундай ёвузлик, она Ватани севиш туйғулари бугун ҳам миллатимиз, халқимиз қалбига яшаётганидан далолатдир.


Аждодларимиз бугунги наслларга бебаҳо ёдгорлик сифатида қолдириб кетган бу буюк хикмат китобини қайта-қайта ўқиймиз, муталаа қиламиз. Эзгу ишларимизда ундан иборат олиб, баҳраманд бўлиб дунё саҳнадаги ўз муносиб ўрнини бугунгидек шарофларга буржрайимиз. Зеро аждодларимиз бугунги наслларга бебаҳо ёдгорлик сифатида қолдириб кетган бу буюк хикмат ва ибрат китоби — улғу "Авесто" эзгуликка қўйилган улғу ҳайқалдай маҳабатлидир.

Мурод АБДУЛЛАЕВ

Халқимизнинг тарихий-адабий ёдгорлиги бўлган "Авесто" китоби башариятнинг муштарак маданий мероси ҳамдир. Умуминсоний ахлитлик, одам фарзандига хос жамийки эзгу фазилатлар, ҳақиқат, адолат ва ҳанголик каби олий ғоялар эл юксак макомларда тараннум этилган бу китоб инсониятнинг ўз тарихий тараққиёти жараннида қўлга киритган мислсиз ютуғидир.

Даставвал, тарихий нуқта назардан "Авесто" Шарқ халқлари цивилизациясининг муҳим жиҳатларини ўзиди тўла-тўқис мужассам этади. Яъни тарих авестойи нуқта назардан макон ва замон доирасида изчил математик аниқликка эга. Ҳар бир кун ва ҳар бир лаҳзанинг номи ва вазифаси бор. Яъни йил эса мутлақ мангитқа йўрилган вақтдан иборат. Шу маънода "Авесто" — вақт китоби. Унинг вақти — абдиат демек.

Маданий-ахлоқий нуқта назардан "Авесто" маълум тарихий ва жуғрофий муҳитда яшаган халқлар-



Доний ҳафто

нинг урф-одат ва анъаналарини ўзиди ифода этади. Одамларнинг ижтимоий ёхуд илоҳий ҳодисаларга муносабати, эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги мангу кураш, борлик-олам гармо-

доси — Каюмарс. Интиҳоси — Сушён.

Мазкур қайдлар — минг йилликлар давомида "Авесто" кашф этган фалсафадан бир зарра, холос. Бу фалсафа чек-чексиздир.

2700 йиллик юбилеий арафасида маданиятимиз тарихида илк марта "Авесто" мукамал тарзда она тилимизда «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти томонидан нашр этилди. Китобни шоир Асқар Маҳкам ўзбек тилига ўтирган. Мусаввир Акмал Нурнинг ишлари «Авесто»нинг уч асосий қонунияти эзгу фикр — эзгу сўз, эзгу амалга ҳамоҳанглиги ва фақуллода жозибдорлиги билан диққатни тортади. Н.Жураевнинг "Авесто" зарурати», Т.Маҳмудовнинг "Авесто" ҳақида мақолаларида маънавий обидамиз тарих ва замон нуқта назаридан атрофлича таҳлил қилинган. Китобга Б.Эшпулатов муҳаррирлик қилган.

Подшоҳ Доро ибн Доро хазинасида («Авесто»нинг) ўн икки минг қорамол терисига тилло билан битилган бир нухсаси бор эди. Исқандар оташхоналарни вайрон қилиб, уларда хизмат этувчиларни ўлдирган вақтда уни қўйдириб юборди. Шу боис ўша вақтдан бери «Авесто» («Овисто»)нинг бешдан учи йўқолиб кетди. «Авесто» ўттиз наск эди, мажсузилар қўлида ўн икки наск чамаси қолди. Биз Қурьон бўлакларини «хафтияк» деганимиздек, наск «Авесто» бўлакларидан ҳар бир бўлакнинг номидир.

Абу Райҳон БЕРУНИЙ



Янги нашрлар



ҲАҚИҚАТНИ ШАҲЛАҒАН ЗОТЛАР

ҒЛИМ ЁИЛМАС, ЗАВОЛ ШОҶИМАСДИР!

НАСРДАГИ ШОИР

Абдулла ОРИПОВ

ЗАРДУШТ СЎЗИ

Қадим Хоразмнинг зар тупроғида, Кўҳна Бухоронинг хур кучоғида,

Яшаган Зардуштман, доғишманд зотман, Ўлмас гоём билан мангу ҳаётман.

Яхши ва ёмонни айладим ҳисоб, Ва битдим "Авесто" номли бир китоб.

Унда ёвузликни ерга урганман, Эзгулик мақомин юксак кўрганман.

Ишончим шул бўлди: тожу тахт, давлат, Бут бўлса мамлакат яшнагай, албат.

Уч минг йил муқаддам қадим тупроқда, Кўҳна Бухорою Хоразм ёқда.

Кўрғонлар яради, қалъалар ўси, Улар ёвузликнинг йўлини тўси.

Хурмузд голиб бўлмай, Ахраман мағлуб, Ёвузлик чекинмай, эзгулик марғуб.

Кўҳна салтанатдан ёғор бўлсин то, Сизга қолдирганим ушбу "Авесто".

Зардуштийлик ўз даврида инсоннинг ер юзиде фаровон яшашига катта аҳамият берган энг оқилона диндир.

С.Ф.ОЛДЕНБУРГ

Зардуштийлик ёруғлик ва меҳр-оқибат динидир. У ёвузлик ва зулматга қарши туради.

ГЕГЕЛ

Зардушт ёлларни Исо Масиҳ таълимотидан бурун Юнонистонни бойшган эди. Зардуштийни Афлотун ҳам биларди. Будда билан Конфуцийнинг овози Европага етиб келиши учун кўп вақтлар керак бўлди. Шу боис Зардушт Ғарбда Қадимчи Осиёнинг ягона доғишманди бўлиб қолди.

Жан ДЮШЕН-ГҲЙЕМЕН

Инсоният бошдан кечган барча динлар ва уларнинг замирида шаклланган фалсафий-иқтисодий, ярим асосий, ярим тарихий тафаккур ва қарашларнинг далолат беришича, олам аввал-илгилода Нурдан иборат бўлган. Олам бошдан-оёқ Нурдан чўмган, Нур эса оламга йўрилган эди. Аллома Абдулфатҳ Мухаммад бин Абдулкарим Шахристоний ўзининг «Милал ва ниҳал» китобида шундай ривоят қилади: «Нурдан бундо оламнинг илк ҳосиласи — Зирвон эди. Буюк Зирвон Нур оламига тўққиз минг тўққиз юз тўқсон тўққиз йил ибодат қилиб, ўғил фарзанд беришини илтижо этди. Мағлиба ҳадеганда рубёга чиқармаган Зирвоннинг кўнглида шубҳа уйғонди: «Эҳтимол, бу дунё ёлғондир». Эмишчи, худди шу шубҳа ва иккиланишдан ёвузликнинг абадий тими оли Ахриман яради. Ахура Мазда (Хурмузд) эса ҳақиқат оламидан бош кўтарди. Оламда илк бор яратган бир-бирига мухолиф икки туйғу — шубҳа ва ҳақиқат, яъни Ахриман ва Хурмузд ҳали она вужудда эдилар...

Олам Нур қўлида. Бу Нур на шубҳа-тумон, на аёвсиз ва ростоқ ҳақиқатнинг билар эди. Зирвон тириклик оламига биринчи бўлиб Хурмузд қадам қўйишига инонарди. У шундай деб оғт ичди: «Ким биринчи бўлиб хузурмига келса, олам ҳукмдори бўлади...»

Ота ниятидан воқиф бўлган Хурмузд бу сирни Ахриманга ошкор қилди. Уша лаҳздан эътиборан Ахриман дунёга биринчи бўлиб келишга бутун борлиги билан интилди. Ниҳоят, бунга мувофиқ бўлди. Оламга дастлавл қадам қўйган Ахриман Зирвонга юзма-юз келиб, деди: «Мен сенинг фарзандимман!..»

Аммо Зирвон бошдан-оёқ зулмат, тўқсон ва исёндан иборат фарзандини хуш кўрмади. Худди шу лаҳзда ёруғ шуълаларга чулганган мунавар Ахура Мазда тириклик оламига таъриф бурди. Ахура Мазданин бутун вужудидан нур ва муаттар бўй тараларди. Зирвон ўзининг умид-армони бўлган фарзандини таниди ва уни хушнудлик билан қабул қилди. Бироқ аввал-бошда қасамдэ этган Зирвон ўз сўзидан қайта олмасди. У олам ҳукмдорлигини Ахриманга топширишга мажбур эди. Шунда Зирвон ёвузлик ва зулмат рамзи бўлиши ўз фарзанди Ахриманга деди: «Эй Ахриман, сени оламга ҳукмдор қиламан. Сен тўққиз минг йил оламга сарварлик қилсан. Аммо мен Хурмуздни ҳам яратдим. Тўққиз минг йилдан сўнг у сента голиб бўлади ва жаҳон ҳукмдорлиги унга nasib элади...»

Кейин Зирвон Хурмуздга юзланди. Уни бир даста барсамни (зардуштийларнинг махсус маросимларида ишлатиладиган даракт новдалари) тутқазди ва шундай деди: «Мен шу лаҳзда қадар сенинг оламга келмоғини ўзини сўрадим, дуою ибодатлар қилдим. Энди сен мен учун дуою ибодатлар қилганами?»

Шу тарихда, Ахриман оламга ҳукмдор бўлди. Ахура Мазда эса эзулик ва ҳақиқат, адолат ва меҳр-муҳаббат йўлини тутди.

Юқорида баён этилган ҳодисалар баъшарият ҳаёти ибтидоида солир бўлди. Ҳали Одам насли яратилмаганди. Нур олами икки бўлинди. Зулмат ва рўшнолик пайдо бўлди. Икки бир-бирга қарама-қарши кучлар инсоният қисматини тақсим қилдилар. Бу қисматнинг бир гушасида ёмонлик деб аталмиш абадий воқелик ўз ҳаётининг дастлабки босқичига қадам қўйди. Дунёдаги жамъини эдиларлар, бир-бирини инкор этувчи ҳодисаларнинг асоси ана шу икки куч эди. Тириклик саҳнасида Одам наслининг таърифи кутулмоқда эди. Бу — иккинчи воқелик. Одам аёллари деб аталмиш баъшарият эътибори қаланиши лозим бўлган ҳаёт даракти эди. Аммо ҳали на даракт ва на унинг уруғи мажбур эди. Фақат оқибат ҳубобларидангина иборат соф ва мусаффо Рўх бор эди, холос.

Ахура Мазда дастлавл Одам Рухини яратди. Рўх Яратувчига қарата итиб қилди: «Мени нечун яратдинг? Ғазаб ва адолат, қабиҳлик ва густоҳлик, эгрилик ва тубанлик мени буткул қураш олгандир. Менинг Сендан ўта пуш-паноҳим йўқ, Менга ўз зотинг ва номинга муносиб бир халоскор юбор!»

1. Ахура Мазда сўзлади Ситгама — Зардуштга: «Митрани яратдим мен, Унинг яйловлари кенг. Менга топингадек Топининг унга, Мени алқатандек Олқишланг уни.

2. Юртни бузар ёлғончи, Сўзда турмаган аблаҳ. Юз мараздан ёмон у, Яхшиларни хор қилар, Ситгама, сўз берсанг, Сўзингда тур, тўғри бўл. Алдоқчи каззобга ҳам, Тўғри сўз росттўйга ҳам — Ёмонга ҳам тааллуқли, Яхшига ҳам тааллуқли Аҳду паймоннинг сўзи.

3. Яйловлари кенг Митра Учқур-учқур от берар Тўғри сўзли инсонга. Хурмузднинг Оловига Тўшпа-тўғри йўл берар Тўғри сўзли инсонга».

17. Митрага топингаймиз... Митрани алдай олмас Ғеч қачон ҳеч ким: Уйда — оилабоши, Уруғда — кайвони, Қабиллада — сарвар, Юртда — ҳукмдор.

18. Бироқ алдаса агар Уйда — оилабоши, Уруғда — кайвони, Қабиллада — сарвар, Юртда ҳукмдор Нобуд қилар Митра Даргазаб, қаҳқор Уйни ҳам, уругни ҳам, Қабиллаю юртни ҳам: Ўлдиради, қиради Уйларда оилалар бошлигин, Уруғларнинг кайвонларин, Қабилалар сарварларин, Элу юртлар раҳбарларин, Мамлакатлар ҳукмдорларин.

19. Даргазаб бўлган Митра Хужум қилар тўсатдан, Ёлғончи ўй-хаёлига Келтирмаган тарафдан.

20. Митранинг душманини Манзилга элтмас тулпор, Йўрғалар-у, силжмас; Номардга уллов бўлмас, Оғирни енгил қилмас. Лафзи йўқлиги учун Қарғиш тегар нокаста, Ёлғончи отган найза Учар мўлжалдан терста.

21. Агар аниқ ўқ отиб, Аллакмига тиг урса, Ҳеч қандай зиён етмас — Қарғишга учган нокас Мурод-мақсадга етмас. Митранинг душманини Улоқтирган найзасин Шамол учуриб кетар — Лафзи йўқлиги учун Қарғишга учган нокас Мурод-мақсадга етмас.

Топинаман толе деб... 106. Аммо мен ўйлайманки: «Одамнинг ёвуз фикри Бу дунёда Митранинг Эзгу фикридан кўра Зўр бўлмаган ҳеч қачон.

Одамнинг ёмон сўзи Бу дунёда Митранинг Эзгу сўзидан кўра Зўр бўлмаган ҳеч қачон.

Одамнинг ёмон иши Бу дунёда Митранинг Эзгу ишидан кўра Зўр бўлмаган ҳеч қачон...»

"Авесто" дан

115. Митрага топингаймиз... О. Митра, хонадонлар, Уруғлар, элу юртлар Жамиятлар ҳомийси.

116. Икки дўст лафз қилган сўз Йиғирма бор қудратли, Ҳамюртлар лафз қилган сўз Ўттиз қарра қудратли,

117. Ота ва ўғил аҳди Юз баробар кучлидир, Икки мамлакат аҳди Минг бора қудратлидир, Зардуштийлар қарори Ҳалдан ташқари зўрир: Шундан сўнг зўр кун келар Ҳам Ғалаба Замони.

Ҳамкасблар лафз қилган сўз Қудратлидир қирқ қарра, Эр-хотин лафз қилган сўз Элик қарра қудратли, Сабоқдошларнинг сўзи Олтин қарра қудратли, Устоз ва шогирд сўзи Етмин қарра қудратли, Қайнога-қувё сўзи Саксон қарра қудратли, Биродарларнинг сўзи Тўқсон қарра қудратли.

Рустам МУСУРМОН таржимаси

"Авесто" китобининг Хоразмда ёзиллиши учун ҳамма шарт-шароитлар пайғамбар томонидан Хоразмда яратилган.

С.П.ТОЛСТОВ

Шунда Ахура Мазда Ҳақиқатга томон ўз буриб, деди: «Кимни бу жаҳонда доғишман деб билурсан? Сўйла. Токи бу олам ободлиги, файзу шукушини унга бахш айлайли. Кимни бу олам соҳиббинига муносиб қўрарсан? Токи ўша зот ер юзини ёлғон ва газабдан буткул ҳалос айласин. Ҳақиқат жавоб берди: «У инсонлар орасида сара ва қудратлироқ бўлмоғи керак. Мени ўз хузурига чорлаганда сўзсиз етиб боргумдир...»

Шунда бу оламни доғишманлик билан бунёда айлаган Ахура Мазда деди: «Наҳотки, сен ҳақиқатга тўлиқ бўлган бу оламнинг сардорини танимайсан? Бу жаҳонда бизнинг каломининг жон-дилдан қабул қилувчиси мен билан ягона зот, бу — Зардуштдир!..»

